



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
МАДАНИЙ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ - 2008

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТИ

(2007 октябрь-декабрь)

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий
кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2008

91.9:7

М 91

*Маданият ва санъат бўйича илмий —ахборот бўлими
томонидан тайёрланди*

Тузувчи: Қ. Каримова

Муҳаррир: А. Турсунов.

Матн терувчи: С. Мардиева.

М 91

Мустақил Ўзбекистоннинг маданий ҳаёти (2007
октябрь-декабрь)

Библиогр, ахборот Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. -Т: А. Navoiy
nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti,
2008 й.

ББК 91. 9: 7

МАДАНИЙ-МАРИФИЙ ИШЛАР

Дурдиева Г. Кутубхонада ахборот куни

//Тошкент оқшоми. -2007. -7 нояб.

Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонасида “Ўқитувчи”, “Янги аср авлоди”, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриётлари ва “Шарқ зиёкори” савдо шохбчаси ҳамкорликда “Ахборот куни” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилгани ҳақида.

Маданият марказида тантана

//Тошкент оқшоми. -2007. -24 окт.

Республика Байналминал маданият марказида Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаси 16 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Раҳмонов С. Турмуш маданияти юксалиш йўлида

//Халқ сўзи. -2007. -1 дек.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида “Қишлоқ турмуш маданиятининг ижтимоий гигиеник ва экологик жиҳатлари” мақсадли дастурининг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида ижроси юзасидан жамоатчилик эшитуви ҳақида.

Сатторов А. Ўзбекистон-ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти

//Халқ сўзи. -2007. -14 нояб.

Юнесконинг 2007 йилда Тошкент “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинганлиги муносабати билан ташкил қилинган “Ўзбекистон —ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти” номли конференция иш бошлагани ҳақида.

Улуғ М. Йўл манзаралари

//Ўзбекистон овози. -2007. -23 окт.

Пойтахт транспорт хизмати маданияти хусусида ҳикоялар.

Қаюмов А. Санъатимиз жонкуяри эди

//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -26 окт.

Ўзбекистон маданий қурилишида фаол хизмат қилган арбоблардан бири марҳум Сирожиiddин Камолиддинов ҳақида.

САНЪАТ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Дутор наволарида миллийлик мужассам

//Тошкент ҳафтанома. -2007. -29 нояб.

Ўзбекистон-Япония марказида “Дутор наволари” мавзуига бағишлаб юртимиз ва кунчиқар мамлакат санъаткорлари томонидан ташкил этилган мусиқий тадбир бўлиб ўтгани ҳақида.

Меликулов С. Тошкент юксак маданият маркази экан

//Моҳият. -2007. -7 дек.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва модельяр уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган “Style Uz” мода ва дизайн ҳафталигида япониялик дизайнер шундай дегани ҳақида.

Меликулова С. Дутор наволари

//Жамият. -2007. -16 нояб.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония марказида “Дутор наволари” мавзуига бағишлаб юртимиз ва кунчиқар мамлакат санъаткорлари билан биргаликда мусиқий тадбир бўлиб ўтди.

Охунова М. Немис киноси ҳафталиги

//Халқ сўзи. -2007. -12 дек.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги ва Гёте институтининг пойтахтимиздаги филиалида немис киноси ҳафталиги бўлиб ўтгани ҳақида.

Эҳсонов Э. Ўзбек санъати намоиши

//Хуррият. -2007. -14 нояб.

Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган ўзбек санъати ва маданияти номояндалари учрашуви ҳақида.

Ўзбек киноси кунчиқар мамлакатда

//Жамият. -2007. -27 окт.

Октябр ойининг биринчи ўн кунлигида Японияда ўтказилган ўзбек киноси кунлари ҳақида.

Ҳайдаров Р. Немис киноси ҳафталиги

//Моҳият. -2007. -7 дек.

Республика киночилар уйида бўлиб ўтган “Замонавий немис кино ҳафталиги” ҳақида

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ АСРАШ

Бойтиллаев Р. Шердор мадрасаси

//Адолат. -2007. -14 дек.

Регистон Самарқанднинг энг гўзал марказий майдонларидан бўлиб, майдондаги Улугбек, Шердор мадрасалари, Тиллакори масжид-мадрасаси меъморлик санъатининг нодир намунаси ҳисобланади.

Бойтиллаев Р. Бебоҳо мерос қадри

//Адолат. -2007. -26 окт.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби азим шаҳарларнинг меморий обидалари ва қайта таъмирлаш ишлари ҳақида.

Бекчанова У. Анъаналар давом этади

//Моҳият. -2007. -14 дек.

Хивадаги мовий гумбазларда жилоланаётган наққошлик ва унинг ранглари ҳақида тарихга назар.

АЛОҲИДА БАСТАКОРЛАР, ХОНАНДАЛАР ВА СОЗАНДАЛАР

Лйтимов М. Умри қўшиқларидек боқий

//Миллий тикланиш. -2007. -19 дек.

Бетакрор овоз соҳиби, ажойиб, бебаҳо ҳофиз Отажон Худойшукуровни хотирлаб.

Бўронов Ш. “Доим олдинга интиламан”

//Тошкент ҳафтаномаси. -2007. -13 дек.

Санъат оламида ўз ўрнини топишга астойдил интилган, ёш бўлишига қарамай ўз мухлисларига эга бўлган ёш хонанда Шералибек Бўронов билан суҳбат. /Суҳбатдош: Хурида Чоршанбиева.

Ватан туйғуси она муҳаббати каби беқиёс

//Жамият. -2007. -23 нояб.

Хушовоз хонанда Дилдора Ниёзова билан суҳбат. /Суҳбатдош: Дилфуза Мирзакаримова.

Диёрбек ва Лола Раҳматуллаевлар: “Қўшиқ айтсак, дил яйрайди. . .”

//Тошкент ҳафтаномаси. -2007. -27 дек.

Мактабда “аъло” баҳоларга ўқиш билан бирга санъат соҳасида қўшиқлар куйлаётган ёш санъаткорлар Лола ва Диёрбек Раҳматуллаевлар билан суҳбат. /Суҳбатдош: Маъпура Набиева.

Дадабоева М. Мактабни қўмсайман!

//Маърифат. -2007. -17 нояб.

“Ўзбекистон халқ артисти” унвони билан тақдирланган ҳассос ашулачи Матлуба Дадабоева билан суҳбат. /Суҳбатдош: Ҳулкар Тўйманова.

Дадаш Ш. Санъатимиз фаҳри

//Моҳият. -2007. -19 окт.

Ўзбекистон халқ ҳофизи, марҳум Фахриддин Умаров ҳақида.

“Ижодимни халфачилиқдан бошладим”

//Тошкент ҳафтаномаси. -2007. -1 нояб.

Дилрабо қўшиқлари билан танилиб бораётган хоразмлик хушовоз хонанда Шохсанам билан суҳбат. /Суҳбатдош: Нодира.

Исоқов А. “Аввало ишонч йўқолмасин”

//Тошкент ҳафтаномаси. -2007. -22 нояб.

Яхши ҳофиз, самимий инсон хонанда Алижон Исоқов билан суҳбат. /Суҳбатдош: Даврон.

Ирода Дилроз: “Болалигимдан бировга гап қайтаролмасдим”

//Хуқуқ оламида. -2007. -6 дек.

“Томоша” болалар гуруҳининг собиқ аъзоси Ирода Дилроз билан суҳбат. Дилшод Абдуллаев суҳбатлашди.

“Карвон кўп ризқи бўлак”

//Тошкент ҳафтанома. -2007. -25 окт.

Санъат оламида ижод қилаётган ёш хонандалардан бири Абдумалик Азимов билан ижоди ҳақида суҳбат. /Суҳбатдош: Барно Сулаймонова.

“Катта йўл бошидаман. . . ”

//Тошкент ҳафтанома. -2007. -20 дек.

Тетапоя қадамлар ташлаётган иқтидор соҳиби, ёш хонанда Шаҳзодбек Ходжаков билан суҳбат. Маъпура Набиева суҳбатлашди.

Мўйдинов И. Санъат —тижорат эмас

//Тошкент ҳафтанома. -2007. -4 окт.

Куролли кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли яккахон хонандаси Илҳом Мўйдинов билан суҳбат. /Суҳбатдош: Дилмурод.

Мирзакаримова Д. “Устозлардан мерос йўлим бор”

//Тошкент ҳафтанома. -2007. -20 дек.

Лирик ва мумтоз қўшиқлар моҳир ижрочиси Оллоқул Муқимовнинг ижодий фаолияти ҳақида.

Матёкубов Б. Хоразм булбули

//Театр /2007. —№ 3-4

Хоразм ашула санъатининг толмас тарғиботчиси, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистонда хизмат кўрсатган артист Комилжон Отаниёзовнинг 90 ёшга тўлиши муносабати билан хотирлаб.

Мирхусенова И. Устозларимдан қарздорман

//Моҳият. -2007. -16 нояб.

Ашула ва рақс санъатини дунёга танитишда ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Ўзбекистон халқ артисти Гулсара Ёкубова ҳақида.

Нигилина: “Ашаддий сериал ишқибозиман. . . ”

//Тошкент ҳафтаномаи. -2007. -29 нояб.

Қўшиқлари ўз мухлисларини топиб улгурган Нигилина билан суҳбат. /Суҳбатдош: Жамшид.

Набиева М. “Ниҳол” —омад калити

//Тошкент ҳафтаномаи. -2007. -13 дек.

“Ниҳол” мукофоти совриндори ёш иқтидорли қўшиқчи Фарҳод Қамбаровнинг ижоди ва фаолияти ҳақида.

Санъатда сунъийлик кетмайди

//Ўз. адабиёти ва санъати. -2007. -23 нояб.

Хоразм ашула ва рақс санъати тарғиботчиси, Ўзбекистон халқ артисти Гулсара Ёқубова билан суҳбат. /Суҳбатдош: Муҳтарама Улуғова.

Танбур навоси дилларга туташ

//Hurriyat. -2007. -28 нояб.

Халқимизнинг устоз санъаткорларидан бири атоқли созанда Турғун Алиматов билан суҳбат. /Суҳбатдош: Адиба Умирова.

Тоққа чиқмасанг дўлана қайда?

//Тошкент ҳафтаномаи. -2007. -6 дек.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти “Хоразм фольклор санъати” мавзуида илмий ишни ёқлаб профессор бўлган Олмаҳон Ҳайитова билан суҳбат. /Суҳбатдош: Бобур.

“Табиатдан илҳом оламан”

//Тошкент ҳафтаномаи. -2007. -25 окт.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори, Ўзбекистон санъат арбоби унвони билан мукофотланган Фарҳод Алимовнинг ўтказилажак ҳисобот концерти ҳақида суҳбат. /Суҳбатдош: Нозилова Шаҳрибону.

Худойшукуров З. Истеъдод шуъласи

//Жамият. -2007. -26 окт.

Ички ишлар вазирлигига қарашли “Турон юлдузлари” ансамблининг моҳир ижрочиси Тожибар Азизова ҳақида.

Худойшукуров З. “Оқ тулпор”ли хонанда
//Жамият. -2007. -30 нояб.

Эл хизматига камарбаста инсон, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримовнинг ижоди ва
фаолияти ҳақида.

Худойназаров Т, Улуғхўжаев А. Санъатга бахшида умр
//Ватанпарвар. -2007. -21 дек.

Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, иккинчи
жаҳон уруши фахрийси Коммуна Исмоилова ҳақида.

Умид Шаҳобов: Бобо юртим-Андижон
//Холис. -2007. -22 нояб.

“Маржон” гуруҳи хонандаси Умид Шаҳобов билан суҳ-
бат. /Суҳбатдош: Шерзод Деҳқонов.

Қаюмов Ш: “Мукофот олиш арафасида менга қарши
танқид уюштиришган”
//Хуқуқ. -2007. -15 нояб. №46.

Таниқли хонанда, суҳандон, телебошловчи, бир сўз
билан айтганда ажойиб инсон Шухрат Қаюмов билан суҳ-
бат. /Суҳбатдош: Дилшодбек Абдуллаев.

Ғафуров М. Қўшиқлари қалбларда қолди
//Миллий тикланиш. -2007. -3 окт.

Элимиз қалбидан ўрин эгаллаган оташнафас хонанда
Отажон Худойшукуровни хотирлаб.

Ҳамроқулов О. “Овозимни йўқотганим рост!”
//Хуқуқ оламида. -2007. -13 дек.

“Дўстлар, бир дилбари жон-у жаҳоним бор манинг. . .
”ушбу машҳур қўшиқнинг ижрочиси сеvimли хонанда
Ойбек Ҳамроқуловнинг ижоди ва фаолияти ҳақида.

ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ, ҚАДРИЯТЛАР ВА УРФ ОДАТЛАР

Мелиқулова С. Миллий қадриятларга эътибор
//Тошкент оқшоми. -2007. -5 нояб.

Ҳамза туманидаги “Тенгдош” маданият уйида “Аждод-

ларимиз мероси, қадриятларимиз асоси” мавзуйига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтгани ҳақида.

Мангу янгра мадҳияси

//Хуррият. -2007. -5 дек.

Миллий қадриятларимиздан бири ҳисобланган юрт мадҳияси-қўшиқ ва оҳанги ҳақида.

“Қадриятлар бешигисан азиз маҳаллам”

//Маҳалла. -2007. -14 нояб.

“Қадриятлар бешигисан маҳаллам” шиори остида “Маҳалла тарихини ўрганамиз” кўрик танловида голиб чиққан фуқаролар йиғинлари ва жамоалар ҳақида.

Қадриятлар шаклланди

//Тошкент оқшоми. -2007. -1 нояб.

Республика “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида “Ёшлар ҳаётида миллий қадриятларнинг ўрни” мавзуйида илмий амалий конференция ўтказилгани ҳақида.

МАДАНИЯТ УЙЛАРИ, КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАР. МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ

Азимов А. Санъатга ошуфта қалблар

//Ишонч. -2007. -8 дек.

Жиззах вилоятидаги Жиззах санъат коллежининг бугунги фаолияти ҳақида.

Ваҳобова З. Санъатсевар ёшлар маскани

//Миллий тикланиш. -2007. -21 нояб.

Ботир Зокиров номидаги Жиззах санъат коллежи ва унда таҳсил олаётган талабалар ҳақида.

Обиддинов А. Меҳр қалба

//Маърифат. -2007. -14 нояб.

Қашқадарё вилояти 18-сонли кўзи ожиз болалар маҳсус мактаб интернати кўркем бинога кўчиб қурилгани ҳақида.

КИТОБШУНОСЛИК

Алиев А. Хотира китоби

//Тошкент оқшоми. -2007. -5 дек.

Атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон қаҳрамони профессор Озод Шарофиддинов ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб босмадан чиққани ҳақида.

Адизов Б. Соғиниб яшаш бахти

//Hurriyat. -2007. -26 сент.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида Бухоролик ёзувчи Рашид Аслоновнинг “Соғиниб яшайман” тўплами чоп этилгани ҳақида.

Алибоев Ҳ. Китоб байрами

//Хабар. -2007. -23 нояб.

Жиззах вилояти ахборот-кутубхона марказида 2008-2009 ўқув йилига мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларнинг кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтгани ҳақида.

Ботирбеков Т. Янги тўпламлар тақдироти

//Халқ сўзи. -2007. -3 окт.

Пойтахтимиздаги жаҳон иқтисодиёти университетида “Дунё омбудсманлари” ва “Омбудсмани мира” тўпламларининг тақдирот маросими бўлиб ўтгани ҳақида.

Ваҳобова З. Соҳибқирон ҳақида асар

//Миллий тикланиш. -2007. -3 окт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” асари тақдироти ҳақида.

Гулдурсун-Гулистон бўлган қалъа

//Ватанпарвар. -2007. -16 нояб.

Элликқалъа тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Менгес Алламбергеновнинг “Қадимий мудофаа қўрғонлари” деб номланган китоби Алишер Навоий номли миллий кутубхонада чоп этилган бўлиб тарихий қалъалар ва иншоотлар ҳақида маълумот беради.

Германияда ўзбек китоблари намоиши
//Халқ сўзи. -2007. -19 окт.

Европанинг етакчи бизнес марказларидан бири ҳисобланадиган Франфурт шаҳрида йирик халқаро анжуманлардан бири 59-китоб ярмаркасида “Шарқ нашриёти “Art press ltd” маъсулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотларини намоиш этди.

Дурдиева Г. Маърифатга чорлар китоблар
//Тошкент оқшоми. -2007. -20 нояб.

Республика ўқувчилар саройида бўлиб ўтаётган 2008-2009 ўқув йили учун тавсия этилган нашриётларнинг энг сара китоблари кўргазмасы ҳақида.

Жонихонов М. Муҳташам мактабларга —мукамал на-
шрлар

//Халқ сўзи. -2007. -14 нояб.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги “Ўзкитобсавдо” ДАК билан биргаликда 2008-2009 ўқув йили учун тавсия этилган 1248 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлар кўргазмасы ҳақида.

Иш юритишни биласизми?

//Ишонч. -2007. -18 дек.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши федерацияси юридик бўлими бошлиғи А. Ризқулиевнинг “Ходимлар бўйича менежернинг стол китобчаси” номли рисоласи ҳақида.

Йўлдошев И. Европа папирусга ёзаётганда Самарқанд-
да қогоз ишлаб чиқариш бошланган эди

//Маърифат. -2007. -21 нояб.

Китобатчилик соҳаси, умумбашар маданиятнинг шакл-
ланиши ҳақида.

Мансуров З. “Наманган адабий гулшани”

//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -26 окт.

Фаол ижодкор, халқ таълими аълочиси заҳматкаш олим Алижон Халилбековнинг “Наманган адабий гулшани” номли китоби ҳақида.

Нашриёт тухфаси

//Фидокор. -2007. -13 нояб.

Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа уйи бош муҳаррири ўринбосари Назира Жўраева билан қатор янги китоблар нашр этилаётгани ҳақида суҳбат. /Суҳбатдош: Жўраева Ш.

Орипов Ф. Китоблар беллашди

//Маърифат. -2007. -5 дек.

“3 декабрь-ҳалқаро ногиронлар куни” муносабати билан кўзи ожизлар мактаб-интернати ўқувчилари ўртасида “Тез ва ифодали ўқиш” танлови ўтказилгани ҳақида.

Очилов Н. Hammasi kitoblar haqida

//Bir safda. 2007. —№ 5

Илк бор нашрдан чиқарилган китоб 1454 йилда Иоганн Гутенберг томонидан Германиянинг Майнц шаҳрида чоп этилган 42 қаторли инжилдир.

Омонова Н. Чиройли муқовалар ёки китобсевар оила мулки

//Жаннатмакон. 2007. —№ 10

Китоб ва кутубхона, китобни сақлаш ва асраб авайлаш ҳақида.

Отахонов М. Андижонда китоб байрами

//Хабар. -2007. -16 нояб.

Андижон вилояти ахборот кутубхона марказида “2008-2009 ўқув йилига дарслик ва ўқув методик қўлланмаларнинг кўргазма ярмаркаси” ташкил қилингани ҳақида.

Саттаров М. Китоб дўстлик-элчиси

//Хуррият. -2007. -31 окт.

Туркменистонда бўлиб ўтган “Олтин асрнинг олтин нашрлари” номли II китоб кўргазмаси ҳақида.

Турдиев Б. Соҳибқирон ҳақида ҳақиқат

//Ишонч. -2007. -29 нояб.

Амир Темур таржимаи ҳолига муаллифлик қилган бўлиши мумкинми ёки “Автобиография Тимура” китоби тўғрисида.

Умархўжаев Б. Ҳуқуқий маданият тимсоли

//Маърифат. -2007. -5 дек.

Мислсиз маданият, тарих, сиёсат ёдгорликлари ҳисобланмиш “Темур тузуклари”, Навоийнинг “Ҳамса” Бобурома манбаларининг “Конституция” матнига сингдирилганлиги ҳақида.

Усмонов К. “Расмларда тарихий лавҳалар”

//Маърифат. -2007. -5 дек.

Тарих фанлари доктори Х. Содиқов ва таниқли рассом А. Маҳқамовларнинг “Расмларда тарихий лавҳалар” номли китоби инглиз, ўзбек ва рус тилида чоп этилгани ҳақида.

Усмонова Н. Расмларда юрт манзаралари

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -7 нояб.

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида мусаввир Инна Кулагина асарлари кўргазмаси очилди.

Хотира китоби тақдироти

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -3 нояб.

Ўзбекистон Қаҳрамони адабиётшунос олим Озод Шарофиддинов хотирасига бағишланган “Озод Шарофиддинов замондошлари хотирасида” номли китоб нашрдан чиқди.

КУТУБХОНА ИШИ ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Алиева Н. “Мутолаа байрами-2007”

//Хуррият. -2007. -3 окт.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Мутолаа байрами-2007” китобхонлик ўн кунлиги бўлиб ўтгани ҳақида.

Абдуназаров Ҳ. Кутубхона тарихий ўзгаришлар даврида

//Тошкент оқшоми. -2007. -4 окт.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида шу кутубхонанинг илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими томонидан тайёрланган анъанавий олтинчи “Бетгер ўқишлари” бўлиб ўтгани ҳақида.

Анварова М. Ижодий жасорат қиссаси

//Халқ сўзи. -2007. -29 нояб.

Республика болалар кутубхонаси ва Тошкент вилояти “Турон” ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида китоб тақдимоти ўтказилгани ҳақида.

Бойтиллаев Р. Бир асрлик солнома

//Қадрият. -2007. -29 дек.

Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонасидаги катта тарихий ва илмий аҳамиятга молик бўлган 594 жилддан иборат “Туркистон тўплами”нинг асрлардан асрларга сақланиб келинаётгани ҳақида.

Ёкубов Ш. Коллежда замонавий кутубхона

//Адолат. 2007. -26 окт.

Президентнинг “Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни таъкил этиш тўғрисидаги” қарорига биноан Тошкент автомобил ва йўллари касб хунар коллежида очилган ахборот ресурс маркази ҳақида.

Каримова М. Энг меҳрли кутубхоначи

//Фидокор. -2007. -25 окт.

Термиз шаҳрида вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси кутубхоначиси халқаро кўзи ожизлар кунда ногирон китобхонларга хизмат қилган “Энг меҳрли кутубхоначи”-танловида ғолиб бўлган Нарғиза Мадалиева ҳақида.

Кутубхонада семинар

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -3 окт.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида миллий автоматлаштирилган кутубхона тизимини ривожлантириш истиқболига бағишланган илмий амалий семинар бўлиб ўтди.

Кутубхонада учрашув

//Моҳият. -2007. -7 дек.

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада асосий комусимиз қабул қилинган кун ҳар йили китобхонлар билан учрашиш ананага айланган.

Кутубхонанинг жамият ҳаётидаги ўрни

//Тошкент оқшоми. -2007. -2 окт.

Фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан “Жамият ҳаётида, ёшларни тарбиялаш уларга маънавий-ахлоқий қадриятларни сингдиришда кутубхоналарнинг роли” мавзuida давра суҳбати ўтказилгани ҳақида.

Кутубхонада семинар

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -3 окт.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида миллий автоматлаштирилган кутубхона тизимини ривожлантириш истиқболига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтгани ҳақида.

Нашриётлар кутубхонада

//Маърифат. -2007. -31 окт.

Республика болалар кутубхонасида “Ахборот куни”га бағишланган кеча бўлиб ўтгани ҳақида.

Нажмиддинов Қ. Экранда электрон китоблар

//Халқ сўзи. -2007. -8 дек.

Намангандаги Нодира вилоят ахборот кутубхонасида халқаро андозаларга мос “Ирбис” дастури ўрнатилгани ҳақида.

Сулаймонов Ҳ. Кутубхона хизмати такомиллашади

//Моҳият. -2007. -5 окт.

Президентнинг “Республика аҳолисини кутубхона-ахборот билан таъминлашни ташкил қилиш тўғрисида”ги 2006 йил 20 июндаги қарори кутубхоначилик иши соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар зиммасига замонавий талабларга жавоб берадиган ахборот-кутубхона (АКМ), ахборот-ресурс (АРМ) марказларини ташкил қилиш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш орқали хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш вазифалари ҳақида.

Темиров Ҳ. Мактаб кутубхонаси

//Qishloq Navoti. -2007. -21 дек.

Нишонлик кутубхоначи Санобар Хушалиева кутубхонани зиё, нур масканига айлантираётгани ҳақида.

Усмонова Н. Мутолаа байрами муваффақиятли ўтди
//Ватанпарвар. -2007. -5 окт.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Мутолаа байрами-2007” китобхонлик ўн кунлиги якунлангани ҳақида.

Холбоева С. Китобларни автомашинага алмаштирмади
//Хуррият. -2007. -5 дек.

Ховос туманидаги “Чилонзор маҳалласида яшовчи Усмон аканинг кутубхонаси ва китоблари ҳақида”.

Эшонқулов Ҳ. Кўча кутубхоналар
//Халқ сўзи. -2007. -12 дек.

Нурота шаҳридаги 33 маҳалла аҳли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада авж олдиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳақида.

Энг ибратли кутубхоначи
//Тошкент оқшоми. -2007. -27 нояб.

Ўзбекистон маданияти ва спорт ишлари вазирлиги, республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда кўзи ожизлар жамияти ҳамкорликда “Йилнинг энг ибратли кутубхоначиси” мавзуида эълон қилинган республика кўрик-танловининг якуний босқичига бағишланган тадбир ўтказилгани ҳақида.

“Энг меҳрли кутубхоначи”
//Ўзбекистон овози. -2007. -20 нояб.

Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган “Энг меҳрли кутубхоначи” танловининг якуний босқичи бўлиб ўтгани ҳақида.

Қодиров М. Ахборот ресурс маркази иш бошлади
//Ишонч. -2007. -23 окт.

Фарғона вилояти педогог кадрларни тайёрлаш ва маънавиятини ошириш институтида иш бошлаган ахборот ресурс маркази ҳақида.

Ҳайитов Э. Алишер Навоий рубоийлари япон тилида
//Жамият. -2007. -14 дек.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутуб-
хонасида адабий алоқалар ва таржима муаммоларига ба-
ғишланган “Ҳаёт ва адабиёт” деб номланган давра суҳба-
ти бўлиб ўтгани ҳақида.

РАССОМЧИЛИК

Акмал Нур: “Асарларим эртак каби дунёни ажаблан-
тиришини истайман. . .”

//Hurriyat-2007. -12 дек.

Москванинг “Софком” галереясида кўргазмаси бўлиб
ўтган, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмал Нур
билан суҳбат. /Суҳбатдош: Адиба Умирова.

“Биеннале”нинг нуфузи ошиб бормоқда

//Тошкент оқшоми. -2007. -10 дек.

Ўзбекистон бадий академиясининг марказий кўргаз-
малар залида IV халқаро замонавий санъат “Биеннале”си
бошлангани ҳақида.

Бу умрининг ўзи бир карвон

//Qishloq havoti. -2007. 30 нояб.

Камолиддин Беҳзод давомчилари, миллий рассомчи-
лигимиз анъаналарини давом эттирётган миниатюрчи
мусаввирларимиздан бири Шамсиддин Рихсиев билан суҳ-
бат. Орзигул Рустамова суҳбатлашди.

Инсон ва борлиқнинг боқий қадриятлари

//Тошкент оқшоми. -2007. -7 нояб.

Миллий санъат марказида Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи
Чориев хотирасига бағишлаб “Ўзбекистон-замин ва ин-
сонлар” деб номланган кўргазма очилгани ҳақида.

Каримова М. Ёш рассом кўргазмаси

//Халқ сўзи. -2007. -16 нояб.

Бухоро вилоят санъат музейида ёш рассом Эркин Жўра-
ев асарлари кўргазмаси бошланди.

Сатторова А. Мактаб яратган рассом

//Моҳият. -2007. -21 дек.

Таниқли ўзбек мусаввири Тельман Муҳамедов ижоди ҳақида.

Тожиёв Б. Тақдири кулган рассом

//Саховат. -2007. -№2.

Буюк алломалар “Абу Райхон Беруний”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”, “Амир Темур” каби буюк шахслар портретини яратган Ўзбекистон халқ рассоми Малик ота Набиев ҳақида.

Усмонова Н. Ёш рассомларнинг ёрқин дунёси

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -15 дек.

Ўзбекистон Бадий академияси халқаро маданият карвон саройида Республика тасвирий ва амалий санъат лицей –интернати ўқувчиларининг “Ёрқин дунё” деб номланган кўргазмаси очилгани ҳақида.

Умарова И. Тошкент Биеннаlesi якунланди

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -10 окт.

Пойтахтимизда 2-8 октябрь кунлари “New: хаёл ва ҳақиқат” мавзуида IV халқаро Тошкент замонавий санъат биеннаlesi бўлиб ўтгани ҳақида.

Убайдулло Т. “Асарларим-Ватан ҳақидаги кўшиқларим”

//Миллий тикланиш. -2007. -28 нояб.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов ижодига назар.

Умирова А. Мустақиллик мени яшартирди

//Хуррият. -2007. -14 нояб.

Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ижодига бағишланган кўргазма ҳақида.

Холматова Н. “Миниатюра-шеърятдек гап”

//Jannatmakon. - 2007. — № 11

Ўзбекистон халқ устаси, машҳур миниатюрачи рассом Ниёзали Холматов билан суҳбат. /Суҳбатни Шаҳноза Шожалилова ёзиб олди.

Ҳайдаров Р. Суратларда диёримиз манзаралари
//Тошкент оқшоми. -2007. -19 дек.

Тасвирий санъат галериясида рассом Раҳмон Шодиёвнинг эллик беш ёшга тўлиши муносабати билан ижодига бағишланган кўргазма очилгани ҳақида.

МУЗЕЙ ИШИ. МУЗЕЙШУНОСЛИК

Азимов А. Эътиборга зор-зор. .

//Ишонч. -2007. -20 окт.

Жиззах вилоят “Ўлкашунослик музейи” биносининг ачинарли аҳволи хусусида.

Бозоров У. Қишлоқда музей

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -27 окт.

Тошкент вилоятидаги Чувалачи қишлоғида тарихий музей очилгани ҳақида.

Жабборов А. Ер қаъридан бўй чўзган тарих

//Қадрият. -2007. -29 дек.

Сурхон воҳасининг қадимий обидалари ҳақида гувоҳ берувчи музей, Термиз археологик музейи ҳақида.

Йўлдошева Ш. Адиб уй музейида

//Моҳият. -2007. -14 дек.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси марҳум Абдулла Қаххорнинг уй музейи ҳақида.

Левтева Л. Музей илмининг билимдони

//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -2 нояб.

Бухоро давлат меъморий-бадиий музей раҳбари тарих фанлари номзоди Роберт Аллиевнинг музейшунослик, сийшатшунослик, этнография, археология ишлари билимдони эканлиги ҳақида.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Авазова Д. Ҳунарли хор бўлмас

//Хуррият. -2007. -5 дек.

Қашқадарё томонларда шарқ ҳунармандчилигининг кўҳна наъмунаси араби гилам тўқиш ҳақидаги эски ҳунармандчилик ҳақида.

Безакларнинг сирли олами

//Моҳият. -2007. -14 дек.

Ўзбекистон халқ устаси таниқли ганчкор “Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами” китоби муаллифларидан бири Асрол Мухторов билан суҳбат. /Суҳбатдош: Солиқ Ёқубов.

Бойтиллаев Р. Ганчга ўйилган мўжиза

//Маҳалла. -2007. -14 нояб.

Хоразмдаги тупроққаъланинг III асрда сарой залларидаги сатҳга бўрттириб ишланган ярим ҳайкал нақшлар билан безатилгани ҳақида.

Номозов О. Саҳҳофнинг сеҳрли санъати

//Туркистон. -2007. -31 окт.

Китоб муқовасини безатувчи ҳунарманд (саҳҳоф) Мирфозил Пўлатовнинг ишлари ҳақида.

Шодмонқулов О. Дунё таниган усталар

//Халқ сўзи. -2007. -3 окт.

Андижонлик ҳунарманд уста Содиқжон Неъматов ҳақида.

Ҳайдаров Р. Мустақилликда камол топган ҳунармандлар

//Моҳият. -2007. -14 дек.

Республика Бадий академиясининг кўрғазмалар залида «Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар» деб номланган кўрғазма очилгани ҳақида.

МУСИҚА

Бозорбоева Ш. Ёш мусиқачимиз мувафақияти

//Жамият. -2007. -16 нояб.

Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик

лисейининг 4 синф ўқувчиси Тоҳиржон Асқаров Италия-
да ўтказилган ёш пианиночиларнинг ўттининчи халқаро
“Ле Мусе” кўрик танловида ғолиб чиққани ҳақида.

Йўлдошев А. “Муסיқа-руҳ озиғи. . . ”

//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -14 дек.

Бугунги муסיқа маданиятимиз, ҳозирги куйларимиз-
даги муסיқий ташналик ва камчиликлар ҳақида.

Олим Ш. Санъатга ошuftа даргоҳ

//Маърифат. -2007. -17 нояб.

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педогогика колле-
жининг муסיқий йўналиши бўйича факультетлари ҳақида.

Рустамова Б. Муסיқанинг шифобахш хусусияти

//Миллий тикланиш. -2007. -2 нояб.

Инсонни даволаш хусусиятига эга бўлган муסיқа ва
чолғу асбоблари ҳақида.

Самадов А. Истиқлол кашф этган истеъдод

//Хуррият. -2007. -31 окт.

Ёш истеъдодли пиониначи “Ниҳол” мукофоти соврин-
дори Элеонора Котлибулатова ҳақида.

РАҚС. ХОРЕОГРАФИЯ

Баҳриева Ч. “Тақдиримдан розиман”

//Жаннатмакон. - 2007. — № 11

Машҳур рақосса ва балетмейстер — Ўзбекистон халқ
артисти, Республика Давлат мукофотининг лауреати Ро-
зия Каримованинг ижод йўли ҳақида.

Лутфулласва З. Замонавий хореография сабоқлари

//Хуррият. -2007. -31 окт.

22-30 октябрь кунлари Тошкент хореография ва рақс
мактабида немис-француз санъат усталари билан ҳамкор-
ликда мастер-класс машғулотлари ўтказилгани ҳақида.

АРХИТЕКТУРА. ШАҲАР ҚУРИЛИШИ.

Гадоев П. Жаннатмакон шаҳар

//Хуррият. -2007. -14 нояб.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва шаҳар иншоотлари ҳақида.

Эшматова Қ. Ораста шаҳарнинг равон йўллари

//Ўзбекистон овози. -2007. -29 нояб.

Пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида.

АРХЕОЛОГИК ҚАЗИШМАЛАР

Жамилова Б. Кампиртепа ёдгорлигини биласизми

//Туркистон. -2007. -31 окт.

Сурхон воҳасида жойлашган “Кампиртепа” ёдгорлиги ва археологик ишлар ҳақида.

Сатторов Б. Тарихингдир минг асрлар...

//Халқ сўзи. -2007. -23 окт.

Зомин туманининг Пешағар қишлоғи тепаликларида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар ҳақида.

Чоршанбиев Ш. Холчаён бойликлари

//Ўзбекистон овози. -2007. - 6 дек.

Сурхон воҳасидаги археологик қазишмалар даврида топилган ўтмиш маданияти ҳақида.

КИНО САНЪАТИ

Аъзамхўжаева С. “Фильмларим чет элларда сотилаяпти”

//Тошкент ҳафтаномаси. -2007. -20 дек.

“Бахт учун миллион”, “Сарвиноз”, “Фотима ва Зухра”, “Ромео ва Жульетта”, “Сугдиёна” каби фильмларнинг таъниқли кинорежиссёри Баҳром Ёқубовнинг ижоди ҳақида.

Алиев А. Кўғирчоқ фильм устаси

//Тошкент оқшоми. -2007. -11 дек.

Ўзбекистонда кино санъатини ривожлантириш йўлида истеъдодли режиссёр Нозим Тўлахўжаев самарали ижод қилиб келаётгани ҳақида.

Ёдгор Саъдиев: “Кино сеҳрли бир кўзгудир”

//Hugivat. -2007. -19 дек.

Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги қошидаги «Қалқон-” студияси бадий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан суҳбат. /Суҳбатдош: Адиба Умирова.

Иброҳимова З. Миллий сериаллар ҳадемай намойиш этилади

//Ўз. адабиёти ва санъати. -2007. -23 нояб.

“Ўзбектелефилм” студиясида амалга оширилаётган ишлар ҳақида миллий сериаллар ва бадий фильмлар бўлимининг бошлиғи Дилбар Зиёдова билан суҳбат. /Суҳбатдош: Зайнаб Иброҳимова.

Меликулова С. Ўзбек киноси дунё кезмоқда

//Моҳият. -2007. -26 окт.

Сентябрда Беларусиянинг Могилёв шаҳрида анимацион фильмлар бўйича 10-халқаро “Анильёвка-2007” кино-фестивалида Н. Тулахўжаевнинг “Қуш” мултипликацион фильми диққатга сазовар деб топилди.

Матлуба Темур қизи. Беором қалб

//Театр. —2007. —№ 3-4

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кино режиссёр Анвар Ёқубхўжаев портретига чизгилар.

Матхолиқов Қ. Ўзбек киносининг мувафақиятли одимлари

//Ишонч. -2007. -1 нояб.

Ставропол шаҳрида ўтказилган XII халқаро Осие фильмлари фестивалида “Энг яхши аёл” ижрочи номинацияси бўйича “Эркак” кинофильмдаги Раъно Шодиеванинг ғолиб бўлганлиги ҳақида.

“Нега сени кўмиб қўйишган” деб сўрашади
//Хуқуқ. -2007. -20 дек.

Кинофильмлардаги комик роллари ва ширали овози билан эл назарига тушиб келаётган хонанда ва актёр Азиз Раметов ҳақида.

Охунова М. “Экранда севгинатор”
//Халқ сўзи. -2007. -29 нояб.

Алишер Навоий номидаги кино саройида “Севгина-тор” деб номланган фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтгани ҳақида.

Олима ҳақида фильм
//Оила ва жамият. -2007. -4-10 окт.

Республика киносчилар уйида “Вақт шамоллари” ҳуж-жатли фильмининг тақдимот маросими ўтказилгани ҳақида.

Раҳимов У. Фильм тақдимоти
//Vaziyat. -2007. -28 дек.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги илмий-оммабоп ва ҳуж-жатли фильмлар киностудиясида “Фавқулудда вазиятлар юзага келса. . . ” номли ҳужжатли фильмининг тақдимоти бўлиб ўтгани ҳақида.

Тўхтаев Ш. Салбий образ актёрни чархлайди
//Sanam. -2007. — № 5-6

Иқтидорли театр ва кино актрисаси Шодия Тўхтаева билан суҳбат. /Суҳбатдош: Моҳинур.

Турсунбоева Г. Милийликни эъзозлаган режиссёр
//Ватанпарвар. -2007. -14 дек.

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, кинорежиссёр ва кинодраматург, профессор Шухрат Аб-босов ҳақида.

Холмирзаев О. Мултфилм-тарбия воситаси
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -26 окт.

Болаларнинг шаклланишида ва онгида мултфилмлар-нинг роли ҳақида.

Фахрутдинова Ф. Италия киноси кунлари
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -26 окт.

Пойтахтимиздаги кино музейида Италия киноси кунлари бўлиб ўтканлиги ҳақида.

Юсупова Д. Севги доимо голиб
//Тошкент ҳафтанома. -2007. -4 окт.

Киночилар уйида истеъдодли режиссёр Бурхон Шаропов томонидан суратга олинган “Ниқоб” фильмининг премьераси бўлиб ўтгани ҳақида.

“18-квадрат”— голиб
//Тошкент ҳақиқати. -2007. -15 дек.

Россиянинг Волоколамск шаҳрида бўлиб ўтган ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги фильмларнинг тўртинчи халқаро фестивалида Ўзбекистон киноижодкорлари томонидан яратилган “18-квадрат” бадиий фильми голиб деб топилгани ҳақида.

Қурбонов А. Театрда туғилган киноактёр
//Театр. -2007. №6.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, кинорежиссёр Мурод Ражабовнинг ижоди ва фаолияти ҳақида.

“Қизғалдоқ”
//Тошкент ҳафтанома. -2007. -25 окт.

Кўпгина санъат шинавандаларига таниш кино режиссёр “Бегона баҳор”, “Қизғалдоқ” номли фильмлари билан таниш Иброҳим Расулов ҳақида.

“Қаҳрамонларим қалбимда яшайди”
//Тошкент ҳафтанома. -2007. -25 окт.

Иқтидорли театр ва кино актриса Раъно Зокирова билан суҳбат. /Суҳбатдош: Бобур.

ТЕАТР

Бобур Арслон. Умр бир лаҳзалик
//Тошкент ҳафтанома. -2007. -18 окт.

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати актёр Теша Мўминов ҳақида.

Усмонов Э. Соғинч бекатидаги гурунг...

//Театр. -2007. №2.

Адиб ва драматург Шароф Бошбеков портретига чизгилар.

Фаровонлик-шукроналикдир

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -20 окт.

Бугунги кун шукуҳи, нон қадри ҳақида Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновнинг фикрлари.

Ҳожимуродова Г. Санъат-фидойилик демак

//Ватанпарвар. -2007. -30 нояб.

Актёрлик ва театр режиссураси соҳасида салмоқли ижод қилиб, ўз ўрни ва мавқиега эга бўлган биринчи ўзбек аёл режиссёрларидан бири Мунаввара Абдуллаева ҳақида.

МИЛЛИЙ ДРАМА ТЕАТРИ

“Аччиқ ёлғон”даги қайнона золимми?

//Тошкент ҳафтанома. -2007. -22 нояб.

Аброр Ҳитояттов номидаги драма театри актрисаси Гулбаҳор Йўлдошева билан суҳбат. /Суҳбатдош: Бобур.

Ижодий кеча

//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -23 нояб.

Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, халқаро Бобур мукофоти совриндори Муҳаммадали Абдуқундузов ижодига бағишланган театрлаштирилган кеча бўлиб ўтгани ҳақида.

Кунишева А. Институтда хотира кечаси

//Тошкент оқшоми. -2007. -1 нояб.

Саҳна санъатининг сарвари ҳисобланган таниқли ўзбек театри арбоби марҳум Маннон Уйғурни хотирлаб.

Ризаев Ш. Изланиш машақатлари
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -26 окт.
Миллий театримизнинг жаҳон классикасига доир спек-
такллари ҳақида айрим мулоҳазалар.

Юрак ҳеч қачон қаримайди
//Тошкент ҳафтаномаси. -2007. -27 дек.
Аброр Ҳидоятлов номли драма театрининг актрисаси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Доно Бобохонова
билан суҳбат. /Суҳбатдош: Бобур.

Қозоқ театрининг ижодий сафари
//Адолат. -2007. -5 окт.
Ўзбек миллий академик драма театрида Қозоғистон-
нинг Мухтор Авезов номидаги давлат академик драма те-
атрининг ижодий сафари ҳақида.

Ҳожиматова М. “Тун албатта ўтади”
//Театр. - 2007. — № 5
Ўзбек миллий академик драма театрида итальян дра-
матурги Эдуардо де Филиппоннинг “Тун албатта ўтади”-
трагикомедияси ҳақида.

МУСИҚАЛИ ТЕАТР

Гумарова Ф. Яна муҳаббат ҳақида. . .
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -23 нояб.
Тошкент давлат musiқали театри (оперетта) жамоаси
драматург Эдвард Радзинскийнинг “Дон Жуаннинг даво-
ми” асари асосидаги спектакл ҳақида.

Меликулова С. Хайрия тадбири ўтказилди
//Тошкент ҳақиқати. -2007. -22 дек.
Қурбон ҳайити муносабати билан Муқимий номидаги
musiқали драма театрида хайрия тадбири ўтказилгани
ҳақида.

Мирзо Т. Учәётган одамлар
//Театр. - 2007. — № 3-4

Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг Тошкентдаги гастрolidан кейинги ўйлар.

Санъаткор-устоз, уста санъаткор

//Туркистон. -2007. -10 окт.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирзаев билан суҳбат. /Суҳбатдош: Элмурод Нишонов.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИ

Ҳожимуродова Г. “Саҳнага садоқат зарур”

//Ватанпарвар. -2007. -21 дек.

Ўзбекистон халқ артисти Муқимий театр актрисаси Зулайҳо Бойхонова ҳақида.

ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ

Маҳкамова М. Болалар тарбиясида театр

//Boshlang'ich ta'lim. -2007. -10 окт.

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри ташкил топганига 75 йил бўлгани ҳақида.

Маҳкамова Н. Театр-маънавият кўзгуси

//Ватанпарвар. -2007. -19 окт.

Ёш томошабинлар театрининг 79-театр мавсумининг очилиши ҳақида.

Маҳкамова Н. Саҳнадаги болалик

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -27 окт.

Салкам 80 йилдан бери фаолият юргизиб келаётган Ёш томошабинлар театрининг 79-мавсумий иш бошлагани ҳақида.

ВИЛОЯТ ТЕАТРАЛARI

Баянидиев Т. Қозоқ театри ўзбек саҳнасида

//Театр. - 2007. — № 6

Мухтор Авезов номидаги Қозоқ академик драма театри
жамоасининг пойтахтимизга ижодий сафари ҳақида.

Ижод масъулияти
//Жамият. -2007. -28 дек.

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали
драма театрининг бадий раҳбари Ўзбекистон санъат ар-
боби Мансур Равшанов билан суҳбат. /Суҳбатдош: Жали-
лова Б.

Маҳкамова М. Эртанги кун умиди
//Театр. - 2007. — № 2

Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театрининг ак-
трисаси Ёқутхон Жўраева ҳақида.

Норқобилов Б. “Эски масжид”нинг “Шоҳ Эдип”и
//Халқ сўзи. -2007. -29 нояб.

Қарши шаҳридаги “Эски масжид” театр-студиясида
жаҳон мумтоз адабиёти намояндаси Софокл асари асоси-
да саҳналаштирилган “Шоҳ Эдип”спектаклининг тақди-
моти бўлиб ўтгани ҳақида.

Сатторов А. Театр тортиғи
//Халқ сўзи. -2007. -16 нояб.

Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма ва
мусиқали театри “Буюк Темур”асарини саҳнага қўйди.

Қодиров А. Саҳнада берилган сабоқ
//Халқ сўзи. -2007. -12 дек.

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқа-
ли драма театрида Абдулла Қаҳҳор асари асосида саҳна-
лаштирилган “Аяжонларим” спектаклини намоиш этга-
ни ҳақида.

ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ

Алиев А. 30 йил ижодий ҳамкорликда
//Тошкент оқшоми. -2007. -11 дек.

Ўзбекистон давлат академик катта опера ва балет теат-

ри репертуарида кўпгина асарлар қаторидан 30 га яқини Ўзбекистон халқ артистлари Дилбар Абдурахмонова билан Фируддин Сафаровлар ижодий ҳамкорлигида сахна юзини кўргани ҳақида.

“Мен дунёда бахтли аёлман!”

//Hurriyat-2007. -10 окт.

Ўзбекистон халқ артисти, опера ижроچиси профессор Саодат Қобулова билан суҳбат. /Суҳбатдош: Адиба Умирова.

Оҳанглар жозибаси

//Халқ сўзи. -2007. -24 нояб.

Таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, жаҳон опера концертларида лауреат, олтин медаль соҳиби, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри бадий раҳбари, профессор Исмоил Жалилов билан суҳбат. Шоира Боймуродова суҳбатлашди.

“Опера-ўта таъсирчан, ўта жозибадор санъат”

//Хуррият. -2007. -5 дек.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, ўзбек миллий опера санъатини жаҳонга танитиб келаётган Муяссар Раззоқова билан суҳбат. /Суҳбатдош: Адиба Умирова.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Шодиев Н. “Чодир хаёл” қаҳрамонлари

//Жамият. -2007. -28 дек.

Аждодлардан мерос бўлиб келаётган қўғирчоқбозлик санъати ҳақида.

ФЕСТИВАЛЛАР

Санъат байрамига айланган фестиваль

//Халқ сўзи. -2007. -13 нояб.

Пойтахтимизда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳара-

кати ва “Камалак” болалар ташкилоти ташкил этган “Янги авлод республика болалар ижодиёти” фестивалининг якуний босқичи бошлангани ҳақида.

Усмонова Н. Гўзаллик ва нафосат байрами
//Туркистон. -2007. -1 дек.

Пойтахтимизда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан “Осиё рамзи” ҳамда “Дом стиля” модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Stule. Uz” мода ва дизайн ҳафталигининг якуни ҳақида.

Усмонова Н. Саҳнада истеъодларнинг янги авлоди
//Халқ сўзи. -2007. -14 нояб.

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройида бўлиб ўтган “Янги авлод-2007” республика болалар ижодиёти фестивали ҳақида.

Пўлатов С. Японияда ўзбек киноси кунлари
//Ватанпарвар. -2007. -16 нояб.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ва Япония миллий фильм марказида “Японияда ўзбек киноси кунлари” кинофестивали ўтказилди.

Ҳошимов Ш. Ҳарбий санъаткорларимиз ютуғи
//Ватанпарвар. -2007. -16 нояб.

Мудофаа вазирлигининг алоҳида намунали ва кўргазмали ҳарбий оркестри Германияда бўлиб ўтган “Халқаро ҳарбий оркестрлар фестивали”да мувафақиятли қатнашганлари ҳақида.

ФОЛЬКЛОР КОЛЛЕКТИВЛАРИ

Камолова Н. Бахшили эл-яхшили эл
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2007. -14 дек.

Халқ ижодини ушбу турини ёш авлодга етказиш, мактабларда бахшичилик дарслари ташкил қилиш ҳақида мулоҳазалар.

Очилова М. Достонларда куйланар ўзлик

//Туркистон. -2007. -5 дек.

Ўзбек халқининг маънавий мероси ҳисобланган достонлар ҳақида.

ЭСТРАДА ВА ЦИРК

Аҳмедов Ғ. Орзуим дунё мени танисин

//Холис. -2007. -4 окт.

Ўрта Осиё қизиқчилар кўрик-танловида пантомимойўналишида ғолибликни қўлга киритган қизиқчи Ғайрат Аҳмедов билан суҳбат. /Суҳбатдош: Шерзод Деҳқон.

Нишонов Э. Қўшиқ бўлиб оқайтган орзулар

//Туркистон. -2007. -21 авг.

Тошкент Давлат консерваторияси эстрада қўшиқчилиги факултети талабаси Садоқат Раҳматуллаева ҳақида.

Муталхўжаев О. Кузни ёқтираман

//Туркистон. -2007. -1 дек.

Ёш изланувчан қатор қўшиқлари билан танилиб борайтган эстрада хонандаси Отабек Муталхўжаев билан суҳбат. /Суҳбатдош: Назарова М.

Усмонов Э. Театр актёр тақдирида. . .

//Театр. - 2007. — №3-4.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Абдулла Қаҳҳор номли Ўзбек Давлат сатира театри актёри Турдибек Содиқов ҳақида.

Ҳожибой Тожибоев: “Ўқитувчилардан хафа бўлдим”

//Ҳуқуқ оламида. -2007. -22 нояб.

Дардини юморга айлантира оладиган таниқли кулги устаси Ҳожибой Тожибоев билан суҳбат. /Суҳбатдош: Дилшодбек Абдуллаев.

“Ўзимдан ўзгага ишонмайман”

//Тошкент ҳафтанома. -2007. -15 нояб.

Эстрада хонандаси Гулноза билан ижоди ҳақида суҳбат. /Суҳбатдош: Барно.

Қодиров М. Кичик роллар қироли

//Жаннатмакон. - 2007. — № 10

XIX аср охири XX аср бошларида Қўқонда Зокир “Эшон” раҳбарлигидаги қизиқчилар труппоси ва унда фаолият кўрсатган актёр Миршоҳид Нормат ҳақида.

Қўшиқ миллат танламас

//Тошкент ҳақиқати. -2007. -20 окт.

Россия эстрадаси юлдузи Юра Шатуновнинг Тошкент шаҳрида берган концертлари ҳақида.

КЎРСАТКИЧГА КИРИТИЛГАН ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

- | | |
|-------------------------|-----------------------------|
| 1. Адолат | 14. Холис |
| 2. Ватанларвар. | 15. Ҳуррият |
| 3. Ишонч | 16. Халқ сўзи. |
| 4. Куч адолатда | 17. Хабар |
| 5. Моҳият | 18. Науот |
| 6. Маърифат | 19. Ўзбекистон овози |
| 7. Миллий тикланиш | 20. Ўз. адабиёти ва санъати |
| 8. Маҳалла | 21. Туркистон |
| 9. Оила ва жамият | 22. Қишлоқ ҳаёти |
| 10. Тошкент оқшоми. | 23. Қадрият |
| 11. Тошкент ҳақиқати | 24. XXI аср |
| 12. Тошкент ҳафтаномаси | 25. Ҳуқуқ оламида |
| 13. Фидокор. | 26. Ҳуқуқ |

ЖУРНАЛЛАР

1. Ёш куч
2. Жаннатмакон
3. Саодат
4. Санам
5. Saxovat
6. Тафаккур

МУНДАРИЖА

Маданий-марифий ишлар.....	3
Санъат соҳасида халқаро алоқалар.....	4
Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш.....	5
Алоҳида бастакорлар, хонандалар ва созандалар.....	5
Халқ байрамлари, қадриятлар ва урф одатлар.....	9
Маданият уйлари, коллеж ва лицейлар	
Маданият ва истироҳат боғлари.....	10
Китобшунослик.....	11
Кутубхона иши ва библиография.....	14
Рассомчилик.....	18
Музей иши. Музейшунослик.....	20
Ҳунармандчилик.....	20
Муסיқа.....	21
Рақс. Хореография.....	22
Архитектура. Шаҳар қурилиши.	23
Археологик қазишмалар.....	23
Кино санъати.....	23
Театр.....	26
Миллий драма театри.....	27
Муסיқали театр.....	28
Ёш томошабинлар театри.....	29
Вилоят театрлари.....	29
Опера ва балет театри.....	30
Қўғирчоқ театри.....	31
Фестиваллар.....	31
Фольклор коллективлари.....	32
Эстрада ва цирк.....	33

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
МАДАНИЙ ҲАЁТИ
(2007 июль-сентябрь)

Тузувчи: Қ. Каримова
Муҳаррир: А. Турсунов.
Матн терувчи: С. Мардиева.

Босишга рухсат этилди 24.05.08 Бичими 60x84¹/₁₆.
Ҳажми 2,75 б. т. Нусхаси 200
Буюртма 25

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
100033, Тошкент шаҳри, Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 33.